КПСС XXIII С'ЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! *Ёмғир ёққанда қуёшли куннинг қадри билинмоқда. Йиғим-теримда қулай пайтларнинг ҳар бир дақиқасидан баракали фойдаланингиз. Улуғ Октябрь байрамини пахта фронтида зўр ғалабалар билан кутиб олайлик.*

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 240 (13.196).
13 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ҚУВОНЧЛИ ТЕЛЕГРАММАЛАР

Ўзбекистон районидаги Жданов номли колхоз пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб ва партиямиз XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, ажойиб меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани муддатидан илгари муваффақиятли адо этилди.

Она-Ватан омборига 8000 тонна аъло сифатли «оқ олтин» тўкилди.

Совхоз пахтакорлари давлатга яна 2800 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни гектар бошига нақинда 30 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

●

КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг пахтакорлари йиллик планни муваффақиятли адо этдилар. 4377 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача ўзидаёқ 20 центнердан пахта териб олинди ва давлатга 8450 тонна «оқ олтин» сотилди.

Ҳозир хўжаликда план бажарилгандан кейин давлатга яна 3000 тонна пахта сотиш юзасидан олинган қўшимча мажбурият ҳисобидан пахта тайёрланмоқда.

●

Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари ажойиб зафар қучдилар. Давлатга пахта сотиш плани ошириб адо этилди. Тайёрлов пунктларига 2212 ўрнига 2300 тонна, шу жумладан 550 тоннаси ингичка толали пахта етказиб берилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1009 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 23 центнердан ҳосил териб олинди.

Ҳали далада пахта кўп. Колхоз аъзолари буни ҳисобга олиб, давлатга яна 700 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

12 ОКТЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

Тошкент	0,45	95,58	0,29	101,32
Қашқадарё	1,10	86,34	0,08	36,44
Сурхондарё	1,82	82,17	1,87	83,38
Фарғона	1,20	80,84	2,41	75,74
Бухоро	1,11	80,00	0,24	26,59
Самарқанд	0,75	78,66	1,03	58,22
Хоразм	2,53	75,20	2,96	48,36
Андижон	1,26	73,06	2,40	59,63
Сирдарё	0,63	66,79	0,76	85,16
Қорақалпоғистон АССР	2,21	66,78	2,08	46,05
Узбекистон ССР бўйича:	1,24	77,56	1,45	68,28

11 октябрь кунн республикада 44,738 тонна пахта тайёрланди.

ДАРОМАД МАНБАИ

Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пахтакорлари давлатга 1765 тонна ўрнига 1800 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотиб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган эдилар.

Хўжалик деҳқонлари тайёрлов пунктларига пландан ташқари яна 650 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилиб, мўл ҳосилни жадал йиғиб-териб олмоқдалар. Колхоз пахтазорларида ўнлаб ортиқ «зангори кема»лар сузиб юрибди. Ғ. Эгамназаров, Х. Қурбонов, А. Кенжаев, Т. Пўлатбоев каби моҳир механик-ҳайдовчилар «пўлат этак»лардан кунига 3-3,5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Уларнинг ҳозиргача терган пахтаси ҳозирданоқ 95-100 тоннадан ошиб кетди. Колхозда Н. Қурбонова, Ҳ. Қодирова, А. Эргулова сингари юздан ортиқ кўпминг килограммчи чеварлар кунлик нормасини 1,5-2 ҳисса ошириб адо этаётирлар.

Колхознинг О. Йўлдошева, Н. Раҳимов ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларидаги дастлабки ҳисоб-китоблар қувончлидир. Мазкур бригадаларнинг аъзолари учун ўтган йил бир меҳнат кунига 5 сўм 80 тийиндан ҳақ тўланган бўлса, бу йилги даромад ҳар меҳнат кунига ҳозирданоқ 7 сўмданга тўғри келмоқда. Ҳақиқатан ҳам ҳалол меҳнат пахтакорларга мўл даромад ҳадя этмоқда.

Р. ТУРДИЕВА.


ҒУЗОРЛИКЛАР ЗАФАРИ

Ғузор районининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш планини кеча, 11 октябрда Қашқадарё областида биринчи бўлиб муддатидан илгари бажардилар. Ватан омборига 7300 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тўкилди. Район пахтакорлари КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, Улуғ Октябрь байрамигача мамлакатга плондан ташқари яна 1700 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишига Ленин номли колхоз аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Улар районда биринчи бўлиб планни адо этдилар ва ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Шунингдек, район хўжаликлари давлатга пилла, қоракўл тери ва жун сотиш йиллик планларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. Яқин кунларда сут тайёрлаш йиллик плани ҳам бажарилади.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳосилнинг далада қолган қисмини тезроқ йиғиб-териб олиш, деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини тўла-тўкис адо этиш, кузги шудгорлашни ўз вақтида ўтказиш, чорва молларни ем-хашак билан мўл-кўл таъминлаш ва уларнинг қишлови учун яхши шарт-шароитлар вужудга келтиришга бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.



Сирдарё область Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз пахта далаларида янги, саккиз қаторли пахта териш машинаси синовдан ўтказилмоқда. Суратда: янги машина.

А. Тўраев фотоси.

ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДА

12 октябрда Дания Бош Министри Енс Отто Краг ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиқдилар.

СССР министри С. М. Тихомиров, СССРнинг Даниядаги элчиси К. Д. Левичкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети комитетининг раиси У. Ё. Иброҳимов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири А. В. Захаров ҳурматли меҳмонга ҳамроҳлик қилдилар.

Қадимий Бухоро меҳмонларни ҳушнудлик билан кутиб олди. Дания вакиллари сўнгги йилларда область ва шаҳар меҳнаткашлари ҳаётида юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги, экономика ва маданиятни янада юксалтириш истиқболлари тўғрисидаги маълумотларни зўр қизиқиш билан тингладилар. Меҳмонлар шаҳарнинг бундан олти-етти ва ҳатто ўн аср илгари барпо этилган тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Бу ёдгорликларнинг ҳар бири ўзбек халқининг қадим маданияти бойлигини, қадим меъморларнинг юксак санъатини ёркин акс эттириб турибди.

Меҳмонлар Бухородан Самарқандга йўл олдилар. Улар бу ерда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Енс Отто Краг Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтида бўлди. Олимлар Дания Бош Министри ва унинг ҳамроҳларига тажрибакорлар билан ҳамкорликда қоракўл қўйлари зотларини қандай яхшилаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар.

Даниялик меҳмонлар Самарқандда ўрта асрнинг машҳур астрономи ва математиги Улуғбек обсерваториясини ва бошқа тарихий ёдгорликларни бориб кўрдилар.

Шу куни Енс Отто Краг ва унинг ҳамроҳлари Тошкентга қайтиб келдилар. (ЎзТАГ).

ҲУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Тошкент областидаги ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ С. М. ТОИРОВ, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. ЮНУСОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. СОИБНАЗАРОВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Б. ОДИЛОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ В. П. РОГАЧЕВ).

Тошкент областидаги ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. МИРАҲМЕДОВ, район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ З. ҒОЙНАЗАРОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. ОРТИҚХЎЖАЕВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ С. МУТАЛОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ А. МЕЛИК-КАРАМЯН).

Тошкент областидаги ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ И. И. ЛАДУШКИН, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. ИКРОМОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. ҚОДИРОВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ю. УБАЙДУЛЛАЕВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ И. И. КАРИМОВ).

ИЛҒОРЛАРГА ТАҚЛИД ҚИЛАМИЗ

ҚОЛОҚЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛАМИЗ.

КЕМАЛАРНИНГ СУЗИБ БОРИШИН КЎРИНГ

(Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ҳалима Ҳошимова ва унинг дугоналарига)

Аму қизи миниб яшил кемага,
Шитоб билан сузиб боришин кўринг.
Сўз ташлар: «баҳслашсанг бери кел, ога»,
Қалби оташ бўлиб ёнишин кўринг.

Ҳалимахон — Ҳазорасп шоввози,
Икки юз тонначи қизлар устози,
Авжида «зангори кема» парвози,
Хирмонга барака ёғишин кўринг.

Кўсак шаклн ўхшар экан юракка,
Чунки юрак меҳри сингган кўсакка,
Сонсиз чаноқлардан «пўлат этак»ка,
«Оқ олтин» дур бўлиб оқишин кўринг.

Смекада тўрт тоннадан ошириб,
«Оқ олтин»ни аъло сортга топшириб,
Қизлар «ким ўзарда» роса шошириб —
Йигитларнинг ичин ёқишин кўринг.

Олға борар машиналар карвони,
Кун сайин юксалар пахта хирмони.
Капитан қизларнинг қолмас армони,
Далада юлдуздек балқишин кўринг.

ОРҚАДА ИМИЛЛАБ ҚОЛИШИН КЎРИНГ

(Шовот районидаги «Ўзбекистон» колхози ва Хива районидаги Карл Маркс номли колхозларда машина теримига қизғин киришилмоқда).

Баъзибир мақтанчоқ чўзиб бўйини,
Ишга сўздан маржон тақишин кўринг.
Пуч ёнғоққа тўлдирсада қўйнини,
Зўр бериб югора қоқишин кўринг.

Иш битар бел оғриб, манглай терласа,
Кишига ор-саф билан бирга юрмаса,
Ваъда пахта бўлиб қопга кирмаса,
Ваъдабознинг сабаб тўқишин кўринг.

Машинани бир чекнага «қантариб»,
Ўзи юрса соя-салқин ахтариб,
«Бажарамиз» дея қуруқ мақтаниб,
Охир бир кун ерга боқишин кўринг.

Аввал баҳонаси: «пахта неч пишди»,
Энди дер: «не қилай, барги неч тушди».
«Пинагинг бузи» десак, афти буришди,
Тўғри сўз ништардек ботишин кўринг.

Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Вақтни қўлдан бериб, сўнгра панд ема,
Тинмай парвоз қилсин «зангори кема»,
Бутун эл оёққа қалқишин кўринг.

Фозил ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

СОВЕТ—МАЛИ ҚЎШМА АХБОРОТИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Судан Иттифоқи партияси Бош секретари, Мали Республикасининг Президенти ва ҳукумат Раиси Модибо Кейта 4 октябрдан 10 октябргача расмий дўстлик визити билан СССР да бўлди.

Модибо Кейта ва унга ҳамроҳ бўлган Мали партия ва давлат арбоблари Совет Иттифоқида бўлган вақтида музокаралар олиб борилди. Бу музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқалар қатнашдилар.

Совет—Мали қўшма ахборотида бундай дейилади: Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида СССР билан Мали Республикаси ўртасидаги қардошларча муносабатларни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш, КПСС билан Судан Иттифоқи партияси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, шунингдек халқаро миқёсдаги муҳим проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси иқтисодий ҳамда социал тараққиётининг аҳволи тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ва келгусига мўлжалланган режалар ҳақида гаплашиб олдилар.

Томонлар Совет—Мали муносабатлари масалаларини муҳокама қилдилар. Улар ҳар иккала мамлакатнинг дўстлик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида экономика, техника, маданият ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлиги муваффақиятли суратда ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Мали томони Совет Иттифоқининг ёрдамига юксак баҳо беради. Бу ёрдам Мали Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан, маданият ва маорифни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ҳар иккала томон иқтисодий, техника ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётганликларини ва бундан манфаатдор эканликларини таъкидладилар ҳамда шу мақсадда тегишли тадбирларни муҳокама қилдилар ва белгилаб олдилар.

Музокаралар давомида, дейилади яна ахборотда, ҳозирги халқаро аҳволнинг ҳар икки томонни қизиктираётган баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди. Халқаро майдондаги кўпгина муҳим масалаларда СССР ва Мали Республикасининг қарашлари бир хил эканлиги ва ҳар иккала томон империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, тинчлик учун, барча халқларнинг миллий мустақиллиги ва социал тараққиёти учун курашда ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги мамнуният билан қайд қилинди.

Ҳар иккала томон халқаро муносабатларда турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини, халқаро ҳамкорлик, давлатларнинг миллий суверенитетини ва уларнинг территориал бутунлигини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик ва барча низоли масалаларни тинч воситалар ёрдамида ҳал этиш принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий қарор берганликларини яна айтдилар.

Ҳар иккала томон блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини қатъиян қўллаб-қувватлайдилар. Улар Африка—Осиё бирдамлигига нисбатан ўз фикрлари бир-бирига тўғри келганлигини таъкидлайдилар ва Осиё ҳамда Африка халқлари мустамлакачилик ва империализмга қарши курашга, тинчликни сақлаш ишига катта ижобий ҳисса қўшмоқдалар, деб ҳисоблайдилар. Томонлар умид билдириб айтадиларки, 2-Африка—Осиё конференцияси империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, умумий тинчлик учун ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун курашаётган кучларни бундан буён ҳам янада бирлаштиришга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси империализмнинг Жанубий Вьетнамдаги ҳар бир интервенциясини ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинаётган агрессив ҳаракатларни қоралайдилар. Вьетнам халқининг мардона кураши билан бирдам эканликларини билдирадилар. Улар барча тинчликсевар давлатларнинг зўр бериб қилган ҳаракатлари натижасида Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги урушнинг тўхтатилганлигини табриклайдилар.

Ҳар иккала томон миллий озодлик курашининг ҳозирги босқичдаги проблемаларини эътибор билан қараб чиқдилар. Улар эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъиян қоралайдилар. Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси мустамлакачилик ва империализмга қарши, миллий озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун қаҳрамонона курашаётган Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари ва мамлакатлари билан тамомила бирдам эканликларини билдирадилар. Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси мустамлакачилик зулмини тугатиш учун курашаётган халқларга бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатишга қатъий қарор бергандирлар.

Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси Конгодаги (Леопольдвиль) аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар. Томонлар Конго халқи билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Империалистларнинг Конго ички ишларига аралашаётганлиги ва Африка бирлиги ташкилотининг ана шундай аралашишни тўхтатиш тўғрисидаги. ёлланган сотқинларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, тинчлик ва миллий бирликни таъминлаш тўғрисидаги қарорлари бажарилмаётганлиги натижасида Конго халқи оғир мусибатларни бошидан кечирмоқда. Совет Иттифоқи Африка бирлиги ташкилоти катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади ва унинг ишларига муваффақият тилади.

Совет Иттифоқи ва Мали Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидлайдилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан империализм, эски ва янги мустамлакачилик манфаатлари учун фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга самарали қаршилик кўрсатишга қатъий бел боғлаганликларини билдирадилар. Мали томони давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик тўғрисида, давлатларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳақида Совет Иттифоқи томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тақдим этилган таклифни қўллаб-қувватлайди.

Ҳар иккала томон ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймасликка ёрдам берадиган амалий тадбирларнинг қабул қилиниши ҳозирги кунда энг муҳим проблемаларнинг бири деб ҳисоблайдилар. Улар ядро қуролининг бевосита, шунингдек бавосита—давлатларнинг ҳарбий иттифоқлари орқали тарқатилиши учун ҳар қандай имкониятларнинг йўлини тўсиб қўядиган халқаро шартномани тузиш тарафдоридирлар.

Ҳар иккала томон Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини дарҳол тиклашнинг кескин тарафдоридирлар.

Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси ядро қуролини атмосферада, космик фазода ва сув остида синаб кўришни тақиқлаш тўғрисида 1963 йилда Москвада тузилган шартнома ижобий роль ўйнаганлигини уктириб ўтдилар ва бу шартномани ер ости синовларига нисбатан ҳам жорий қилиш кераклигини таъкидлайдилар. Совет Иттифоқи Мали Республикасининг ва Африкадаги бошқа давлатларнинг барча давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африкани ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги қарорларига қаттиқ риоя қилсинлар, деган талабини тамомила қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқи ва Мали Республикаси қуролсизланиш юзасидан 1966 йилда жаҳондаги барча давлатларнинг иштирокида жаҳон конференциясининг чақирилишига тарафдордирлар. Томонлар герман сулҳ битими ҳар иккала герман давлатининг мавжудлиги фактини эътиборга олиб тузилиши лозим ва тузилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

КПСС ва Судан Иттифоқи партияси раҳбарлари, дейилади ахборотда, ҳар иккала партиянинг ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

КПСС ва Судан Иттифоқи партияси партиялар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, давлат қурилиши соҳасидаги тажриба билан танишиш, партия ишлари методларини ўзаро ўрганиш, ўзаро ахборот бериб туриш партиялар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган фикрни илгари сурадилар.

Ҳар иккала томон ишонч билдириб айтдики, Судан Иттифоқи партияси Бош секретари Модибо Кейтанинг Совет Иттифоқига қилган дўстона визити, шунингдек ҳар иккала партия ва ҳар иккала давлат раҳбарларининг очиқ кўнгил билан кенг фикрлашиб олганликлари СССР билан Мали Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни бундан буён ҳар томонлама мустаҳкамлашга ёрдам беради ва халқларнинг миллий мустақиллик, социал тараққиёт ҳамда тинчлик учун олиб бораётган кураши ишига қўшилган ҳисса бўлади.

Модибо Кейта КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежневни, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоянни расмий визит билан Мали Республикасига келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. (ТАСС).

КПСС НК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз


КОРХОНА—ЭКОНОМИКАНИНГ АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ЯЧЕЙКАСИ

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Куюв цехининг клубида «Ташсельмаш» заводи партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг якунлари тўғрисида доклад қилди. У саноат ишлаб чиқаришини планлаштиришни яхшилаш ва уни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш масалалари устида батафсил тўхталиб ўтди, саноат корхоналари партия ташкилотларининг тобора ўсиб бораётган вазифалари тўғрисида гапирди.

Завод цехлари ва бўлимларида, барча сменаларда юздан ортиқ агитатор КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Яқин кунларда халқ университетининг янги иқтисодий факультетида машғулотлар бошланади. Университет ўқув программасига Пленум материалларини ўрганиш киритилган. Партия ўқуви системасида мастерлар учун иқтисодий мактаб очилади.

(ЎзТАГ).





Андижон области. Косонсой сув омбори реконструкция қилинмоқда. Келаси йил баҳорида бу обиҳаёт манбанга 165 миллион кубометр сув тўпланади. Суратда: (чап томонда) йирик гидротехника иншоотни қурилишида фидокорлик билан ишлаётган автокран машинисти ўртоқ Т. Ражабов. Шунингдек яқин орада «Андижанирмаш» заводи ирригация машиналари ишлаб чиқарадиган йирик корхонага айланади. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди. Шу мақсадда корхонани реконструкция қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Сиз бу ўнг томондаги суратда Анатолий Морозов раҳбарлигидаги илғор монтажчилар бригадасининг аъзоларини кўриб турибсиз.

Е. Корниенко фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

САНОАТИМИЗ САРДОРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг VI сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, саноатимиз барқ уриб ривожланмоқда. Етти йиллик мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми анча кенгайди, саноатнинг тармоқ структураси яхшиланди, индустриямизнинг етакчи тармоқлари устун даражада ривожлантирилмоқда.

Бутун мамлакат экономикаси сингари республикамиз саноати ҳам тобора юксалиб бормоқда. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳажми бу йил 1913 йилга нисбатан 30 марта, 1958 йилдагига нисбатан 1,8 марта ортади. Химия саноатининг ялпи маҳсулоти етти йиллик мобайнида 2,8 марта, машинасозлик саноатининг маҳсулоти уч баравар кўпаяди.

Аммо КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, саноат ишлаб чиқаришининг аҳволига тўғри баҳо бермоқ учун эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда ишдаги камчилик ва қийинчиликлар ҳақида ҳам, ҳали ҳал этилмаган масалалар ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. Бу фойдадан холи бўлмайди. Пленумда шу нарса уқтириб ўтилдики, кейинги вақтларда бир сўмлик асосий фондларга тўғри келадиган миллий даромад ҳажми ва саноат маҳсулоти бирмунча камайди. Бу аҳволни Ўзбекистон саноати мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан кейинги беш йил мобайнида бир сўмлик асосий фондларга тўғри келадиган ялпи саноат маҳсулоти тахминан 20 процент камайди.

1964 йилда 145 саноат корхонаси маҳсулот тайёрлаш планини адо этмади, давлатга 14 миллион сўмлик саноат маҳсулоти кам етказиб берилди. Корхоналарнинг тахминан эттитадан биттаси меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини адо эта олмади. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон саноати меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини адо этмагани учун бир неча миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Саноатнинг айрим тармоқлари суст ривожланмоқда. Нефть қазиб олиш бўйича 1965 йил учун контроль рақамларда белгиланган топшириқ нари борса 65 процент бажарилади. Кўмир саноатини ривожлантириш суръатлари ҳам бизни қаноатлантира олмайди. Оҳангаронидаги кўмир қазиб олиш разрезида капитал маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда. Имконият ва резервлар тўла ишга солинмаётир. Саноатимиз ишидаги шу ва шунга ўхшаш камчиликларга барҳам бермоқ учун жумладан корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш керак бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, саноат тараққиётининг бундан буёнги масалаларини ҳал этиш учун индустрияга раҳбарликнинг усул ва методларини такомиллаштириб бориш керак. Саноат ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг ҳозирги системасида корхона муваффақиятларини кўпайтиришдан ишчи ва инженер-техник ходимларнинг манфаатдорлиги етарли эътиборга олинмаган. 1959 йилдан бошлаб корхона раҳбарлари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан белгиланган планларнинг бажарилишига қараб мукофот берилади. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, айрим саноат корхоналари маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида айрим технологик процессларни бекор қиладилар, баъзи операцияларни бир-бирига қўшиб юбордилар. Оқибатда маҳсулот сифатига путур етади. Лекин унинг таннархи арзонлашади. Аммо бу қош қўяман деб кўз чиқаришдир. Бу хилдаги корхоналар тайёрлаган маҳсулот омборларда ётса ётадики, аммо харидор топмайди. Бунинг оқибатида халқ хўжалигига катта зиён етказилади. Кўриниб турибдики, рағбатлантиришнинг бу системаси яроқсиздир. Шунинг учун ҳам партия Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми планлаштиришни такомиллаштириш, корхона коллективининг хўжалик юритиш юзасидан ташаббускорлигини ошириш ва моддий рағбатлантириш соҳасида муҳим, ҳаётий тадбирларни ишлаб чиқди. Партиямиз белгилаган тадбирлар давлат социалистик саноат корхонаси ҳақидаги Низомда ўз аксини топди. Социалистик саноат корхонаси ҳақидаги янги Низомнинг характерли хусусияти шундаки, унда демократик централизм принципи, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда моддий рағбатлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар тўлиқ акс этган.

Хўш, корхоналар ҳуқуқини кенгайтиришнинг моҳияти нимада? Ҳанузгача ҳам саноат корхоналарига раҳбарлик қилишда иқтисодий методларга нисбатан маъмурий тадбирлар кўпроқ ўрин эгаллаб келган эди. Корхона раҳбарларининг фаолияти юқоридан бериладиган планлар билан чеклаб қўйилган эди. Ўзбекистон саноати корхоналари фаолиятига доир баъзи мисолларни келтириб ўтайлик. Тошкент қоғоз комбинатига 25 кўрсаткич бўйича, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига 35 кўрсаткич бўйича, Тошкент пластмасса буюмлари заводига 42 кўрсаткич бўйича ишлаб чиқариш плани юборилиб турилган. Танг қолдиган ери шундаки, Тошкент пластмасса буюмлари заводи харидор топмаётган маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўя олмас эди. Чунки юқоридан туширилган планга мувофиқ завод маҳсулот турлари бўйича топшириқни ҳам бажариши керак эди-да. Ўз-ўзидан равшанки, кабинетларда ўтириб тўқиб чиқарилган кўрсаткичлар бўйича планлаштириш корхона раҳбарлари ва коллективларига ижодий ишлашга халақит беради, хўжаликни ишнинг кўзини билиб юритиш йўлида тўсиқ бўлди, ходимларнинг қўлини боғлаб қўйди.

Бундан ташқари корхона учун юқоридан белгилаб юборилган планлар кетмакет ўзгариб турганини ҳам айтиб ўтиш керак. Жумладан, Тошкент трактор-йиғув заводи учун ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган план шу йилнинг 9 ойи мобайнида Халқ хўжалиги кенгашининг Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги бошқармаси томонидан ўн марта ўзгартирилган. Маҳсулот таннархи бўйича белгиланган топшириқ эса 9 марта турланган. Бунинг устига маҳсулот таннархи бўйича белгиланган топшириқлар иқтисодий жиҳатдан асосланмаган эди. Трактор йиғув заводи 1964 йилда 1 сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун 96,5 тийин сарфлади. Завод хўжалик фаолиятини яхши ўрганмаган бошқарма ходимлари эса 1965 йилда 1 сўмлик товар маҳсулот тайёрлаш учун 93,4 тийин сарфлашни ўйламай-нетмай планлаштириб юбора берганлар. Шунингдек, корхона учун белгиланган фойда олиш топшириғи уч квартал мобайнида ўн бир марта ўзгарди. Аввалги хом ҳўл планга кўра, трактор йиғув заводи 3,1 миллион сўм фойда кўриши керак эди. Сентябрда рақам қилинган планга кўра эса корхона бир ярим миллион сўм фойда кўриши керак деган маъно чиқарди. Корхона учун юқоридан юборилган планнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам ҳадеб ўзгартирилаверди.

Техника-саноат-молия планларининг шу тариқа ўзгартирилавериши уларнинг ролини пасайтиради, обрўсини туширади.

Корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари нақадар чеклаб қўйилганини шундан ҳам билса бўладики, Халқ хўжалик кенгашининг муайян бошқармаси ҳатто мазмурий-бошқариш учун кетадиган харажатларини ҳам тасдиқлаши керак экан.

Эндиликда хўжаликни илмий асосда бошқариш имкониятлари вужудга келмоқда. Бу нурафшон уфқларни КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми очиб берди.

Корхона ҳуқуқларининг кенгайтирилаётганлиги оборот маблағларидан фойдаланишда ҳам яққол кўринади. Амалда бўлган тартибга кўра, корхоналар учун оборот маблағларининг умумий ҳажмигина эмас, уни нималарга сарфлаш кераклиги ҳам белгилаб берилади. Равшанки, корхоналар бу маблағлардан ишнинг кўзини билиб, оператив фойдаланишдан маҳрум эдилар. Эндиликда эса корхона учун оборот маблағларининг умумий нормативигина белгилаб берилади.

Эндиликда корхона раҳбарларига иш ҳақи тўлаш соҳасида ҳам катта ҳуқуқлар берилмоқда. Корхона раҳбарлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай, вақтбай ёки аккорд системасини конкрет шароитни эътиборга олиб жорий этишлари мумкин. Шунингдек, фабрика-завод директорлари иш ҳақи фондини тежаш натижасида юзага келган маблағлардан йил давомида фойдалана оладилар.

Корхона раҳбари завод ёки фабрикининг ишчи ва инженер-техник ходимларини сонини малия органларида рўйхатдан ўтказиб олиши ва бу рўйхат сира ўзгармаслиги керак эди. Эндиликда эса директор корхона структураси ва штатларини ўзи ҳал этади.

Янги тартибга кўра, рағбатлантириш фондининг маблағлари билан болалар боғча ва яслилари, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш масаласини корхона мустақил равишда ўзи ҳал этади.

Социалистик корхоналар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши ишлаб чиқаришни ишнинг кўзини билиб юритишга, коллективнинг ташаббускорлигини оширишга кенг имкон очиб беради. Шунингдек, корхона раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам ортади.

Шундай қилиб, планлаштиришнинг янги системаси, корхоналар ҳуқуқининг кенгайтирилаётганлиги ва жавобгарлигининг ошаётганлиги корхона коллективларидан ишлаб чиқариш фондларидан, моддий ва молиявий ресурслардан тўлароқ фойдаланишни, техниками ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришни, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишни талаб этади.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент Халқ хўжалиги институтининг доценти.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Сентябрь Пленуми саноатимизнинг порлоқ истиқболини, уни жадал ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. Комбинатимиз ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари Пленум қарорларини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Коллективимиз тўққиз ойлик планни муддатидан олдин, 27 сентябрда оширib бажарди. Ой охиригача планга қўшимча 395 минг сўмлик чигит ёғи ва хўжалик совуни ишлаб чиқарилди. Шунингдек, етти йиллик план топшириқлари ҳам шараф билан адо этилди.

Комбинатимиз Ўзбекистон ССР ёғ саноатида салмоқли ўрин тутади. Сўнгги йилларда корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Янги цех ишга туширилди. У мукаммал техника билан жиҳозлантирилди. Инженер-техник ходимларимизнинг ташаббуси билан кейинги уч йил мобайнида жуда кўп муҳим ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий этилдики, шу туфайли қарийб ярим миллион сўмни иқтисод қилиш имконияти яратилди.

Агар планлаштиришдаги чалкашликлар бўлмаганида, талаб-эҳтиёжларимиз асосида иш олиб борилганида эди, муваффақиятларимиз янада катта бўларди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда, таннархни камайтириб, фойданн кўпайтиришда янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритган бўлур эдик.

Аввало, Халқ хўжалиги кенгашидаги ўртоқлар талаб-эҳтиёжларимизга етарли эътибор бермадилар. Қўшни Бухоро, Қашқадарё областларидаги пахта заводларининг чигити бизга эмас, бўлак ёғ заводларига жўнатилаверди. Бизга эса Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССРдан чигит олишни таклиф этдилар. Асосий хомашё — чигит етарли бўлмаганидан комбинатимиз ойига 2-3 кун бекор туриб қоларди. Худди шунингдек, чиқарилаётган маҳсулотларни жўнатишда ҳам катта қийинчиликларга дуч келдик. Хусусан, шолуза ва кунжарани Фарғона водийсига жўнатиш ҳақида устма-уст наряд олиб турдик. Ҳолбуки, Андижон ва Учқўрғон ёғ заводларининг шу хилдаги маҳсулотлари Самарқанд областига ташиб келтирилди.

Ишлаб чиқариш планлари ўзгартирилаверди. Масалан, 1964 йилда комбинат ишлаб чиқариш планини юқори органлар 8 марта, шу йилнинг дастлабки икки кварталида тўрт марта ўзгартиришди. Бу ҳол ишлаб чиқаришга салбий таъсир этди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг тарихий қарорлари асосида бу нуқсонларга тезда барҳам берилади. Корхона раҳбарларининг ҳуқуқ ва бурчлари ошади. Эндиликда қанча унумли ишласак, шунча кўп манфаатдор бўламиз.

Ю. ҲАКИМОВ,
Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг директори.

ҚИЗИҚАРЛИ СЕМИНАР

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган сентябрь Пленуми саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Партиямизнинг сиёсати халқнинг ҳаётий манфаатларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам Пленум қарорларини оммага етказиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Яқинда Тошкент область партия комитетининг ташаббуси билан Пленум қарорларини оммага етказиш юзасидан кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, саноат корхоналарининг директорлари, саноат корхоналари партия ташкилотларининг секретарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг ходимлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини оммага етказиш ва амалга ошириш соҳасидаги вазифалар ҳақида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Абдураззоқов доклад қилди.

Кенгайтирилган семинарда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида жамоат ишлаб чиқаришини планлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида профессор Д. Д. Эрлих, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисида доцент М. Шарифхўжаев, шунингдек саноатни бошқаришнинг тармоқ усули ҳақида доцент Г. Ф. Габзалилов ўртоқлар ҳам доклад қилдилар.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари Бекободдаги 16-автобаза коллективининг меҳнат ғайратини ошириб юборди. Автомобилчилар резерв ва имкониятларини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар, янада унумлироқ ишлаш режаларини тузмоқдалар.

Яқинда автобазанинг инженер ва техник ходимлари, автомобиль ва ремонт бригадаларининг бошлиқлари, экономистлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари кенгашга тўпландилар. Бекобод автомобилчилари фақат келажакдаги ишлар ҳақидагина эмас, балки корхоналар ишининг янги изга солиниши муносабати билан автохўжаликни янада ривожлантириш имкониятлари ҳақида маслаҳатлашдилар. Кенгаш қатнашчилари муҳим таклифлар билан ўртага чиқдилар, уни ёки бу тадбирнинг амалга оширилиш натижасида қанча фойда кўрилишини амалда исботлаб бердилар. Ҳар бир нотиқ машина паркидан фойдаланиш коэффициентини кўтариш, автомобиллардан дуруст фойдаланиш ҳамда қатнов коэффициентини кескин ошириш ҳақида, прицеплардан яхши фойдаланиш тўғрисида сўзлади. Чунки автохўжалининг рентабеллиги, у кўрадиган фойда ана шу масалалар билан чамбарчас боғланиб кетган.

— Сафимизда малакали шоферлар жуда кўп, — дейди коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, коммунист Туроб Жамолов, — Улар машинани слесарлардан кўра яхши билишади. Аммо шоферлар автомашинани ремонт қилишдан етарли манфаат кўрмайдилар. Шоферларимиз ремонтчилар, техника персонали бор-ку, ремонтга аралашиб нима қиламиз набилида иш тутадилар. Агар биз шоферларни дуруствоқ рағбатлантирсак, улар машина қаровини ҳам, ремонтини ҳам ўрнига қўядилар. Машина ремонтини ҳам шоферларга ишониб топшириб қўйсак автомобиллар ремонтда узоқ вақт туриб қолмайди. Бундан ташқари кўпгина авторементочиларнинг қўли бўшайди. Уларни ҳам машина ҳайдашга ўргатсак, сафимиз кенгаяди. Ахир ҳозир шоферлар етишмай турибди-ку.

Устахоналар бошлиғи Иван Иосифович Киян ремонтнинг участка-агрегат усулини қўллашнинг афзалликлари ҳақида гапиради. Автомашиналар ана шу прогрессив усул билан ремонт қилинганида кўплаб запас қисмлар тежалади. Сентябрь Пленуми қарорларига мувофиқ корхоналарга катталроқ ҳуқуқлар берилмоқда. Штатларни кенгайтириш энди корхона раҳбарининг ихтиёрида. Бу эса прогрессив усулни қўллашга катта имконият беради.

Маълумки, Ўзбекистондаги кўпгина автомобиль хўжаликларида прицепдан фойдаланишга етарли эътибор берилмаётир. Мамлакатимиз корхоналарида тайёрланган машиналар билан 2 ва 4 ўқли прицепларни бемалол шатанка олиш мумкин. Аммо шоферлар прицеплардан фойдаланишга бефарқ қарайдилар. Чунки улар бу ишдан наф кўрмайдилар. Прицепда ташилган юк учун автомобилда ташилган юкка нисбатан кам ҳақ тўланади. Прицепни шатанка олиб бошимни огритиб ўтираманми, деган шофер юкни тезроқ туширишга, шундай қилиб вақтни тежашга, автомобилда кўпроқ юк ташишга интилади. Агар биз ҳам Москвадаги 1-автокомбинат коллективидан ўрнак олиб, прицепда юк ташилгани учун дуруствоқ ҳақ тўласак, прицепсиз автомашина қолмас эди. Прицепни шатанка олиб ишлаган шофер кўпроқ ҳақ олган бўлур эди. Бундан ҳам шофер, ҳам давлат манфаатдор: прицепли автомобилларнинг унумдорлиги прицепсиз автомобилларнинг унумдорлигига нисбатан икки баравар ортиқ. Бекободликлар шундай бир режа тузиб олишди. Эндиликда прицепни шатанка олиб юк ташиётган шофернинг маоши прицепсиз ишлаётган шофернинг маошига нисбатан қарийб бир ярим баравар ортиқ бўлади.

Республика автохўжаликларидаги автомобиллар бир кеча-кундузда 10-11 соат ишлатиляпти. Баъзи автохўжаликларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Бекободликлар автомобилларни бир кеча-кундузда 16-18 соат ишлатишмоқчи. Бунинг учун эса тунда ишловчи шоферларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Пландан ташқари кўрилган фойда ҳисобига ажратилган маблағлардан тунда ишловчи шоферларга пул мукофотлари берилади. Бекободлик автомобилчилар шундай қарорга келдилар. Бу ҳам меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг муҳим резервидир.

Ҳанузгача автомобиллар бир манзилга юк ташиб бориб, келишда бўш келади. Бекобод автобазасидаги автомобилларнинг қатнов коэффициенти 0,53 ни ташкил этади. Бунинг маъноси шундаки, бир манзилга юк ортиб борган 100 автомобилнинг 47 таси қайтишда бўш келади. Юк бўлмаса нима ҳам қиларди шофер, дерсиз. Гап шундаки, ҳамма жойда ташиб кетиш учун юк топилади. Аммо шоферлар машиналарнинг қатнов коэффициентини оширишдан манфаатдор эмаслар. Бир манзилга ташиб борилган асосий юк учун кўпроқ ҳақ тўланмоқда. Аммо қайтишда ташиб келинаётган юк учун эса кам ҳақ тўланяпти. Шунинг учун ҳам шоферлар пландаги асосий юкни ташишга ҳаракат қилмоқдалар. Бекободлик автомобилчилар қатнов коэффициентини 0,53 дан 0,65 га етказишга аҳд қилдилар. Янгича ишлашнинг шарофати билан бунга эришамиз, дейишмоқда улар. Қатнов коэффициентининг бир процент кўтарилиши 10 минг сўм фойда кўриш демакдир.

— Резервларимиз кўп экан, — дейди автобаза директори Ёқуб Абдуллаев. Мана бир мисол. 1964 йилнинг 9 ойи мобайнида 1 миллион 400 минг тонна юк ташиган эдик. Бу йилнинг 9 ойи мобайнида эса 500 минг тонна кўпроқ халқ хўжалиги юкларини ташиб бердик. Машинамиз ўтган йили нечта бўлса, бу йил ҳам шунча.

Бекободлик автомобилчилар «ГАЗ-51» автомобилларига 2,5 тонна эмас, 5 тонна юк ортмоқдалар. Бунинг учун автомобиллар қайта жиҳозланмоқда.

Пленум қарорлари муносабати билан ҳисоб-китоб ишлари ҳам янгиллашади. Ҳозир область автомобиль трестига 27 кўрсаткич бўйича ҳисобот юборилиб турибди. Бу ҳисоботни тайёрлашга озмунча вақт керак бўладими? Эндиликда ҳисоб-китобдан қўли бўшаган ходимларни бошқа муҳим участкаларда ишлатиш мумкин бўлади.

Бекободлик автомобилчилар яна бир муҳим масалани ўртага ташлашди. Область автомобиль трестларини тугатиш фурсати етмадимикин? Уларнинг штати кўп, ходимлари эса кўпроқ қоғозбозлик, маълумот тўплаш билан банд бўлиб қолмоқдалар. Бундан ташқари, трест аппаратини сақлаб турмоқ учун кўплаб маблағ сарфланяпти. Бекобод автобазасидаги тўрт машинанинг бир кунлик фойдаси муттасил трестга юборилади. Бекободлик автомобилчиларнинг фикрича, область автотрестларини тугатиш, малакали мутахассисларни бевосита автохўжаликларга ишга юбориш керак.

— Шундай қилсак фақат ютамиз, — дейишмоқда бекободликлар.

Ю. КОМАРЬ.

Корхоналарнинг фаолиятини ҳаддан ташқари чеклаб қўйишга барҳам бериш, корхоналар учун юқоридан тасдиқланадиган план кўрсаткичларининг миқдорини қисқартириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун корхоналарга зарур маблағларни ажратиб бериш, фойда, нарх-наво, мукофот, кредит каби жуда муҳим иқтисодий воситалардан фойдаланишни яхшилаш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

(КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорidan)

СУРХОН ЛАВҲАЛАРИ

1.

Юлдуз ўпиб, булут қучган Боботоғ билан Бойсунтоғ этакларида эртакларда айтилган, афсоналарда сўйланган сўлим бир водий бор. Унинг гўзал сийнаси, қайнар булоқ хазинаси кўзларни қувонтиради. Бу Сурхон водийси... Машинамиз Термиз шаҳридан шарқи-шимол томон сомон йўлидек чўзилган катта йўлдан борарди. Унгда тўлқинланиб қотиб қолган денгиздек қирлар. Боботоғ чўққилари томон қулоч ёзган. Улар кўксида нефть миноралари, чўпон ўтовлари... Бир томонда уфқларга елка тираган пахтазор. Водийнинг нақ белида олтин камардек Сурхон дарёси ярқираб оқмоқда.

Йўлнинг икки чеккасини ўраган тут дарахт деворлари қишлоқ ё район марказларига етгач, ўзгача тус олади. Тутлар ўрнини мажнун толлар, мева дарахтлари эгаллайди. Кўчалар соя-салқин, губорсиз, озода. Ариқларда сувлар ўйини. Қишлоқлар обод, хонадонлар тўқ-бадавлат. Одамлари ширинкалом, меҳмондўст.

Денов районн марказида Ульянов номли ғиғант колхоз жойлашган. Бу кўп тармоқли хўжаликда пахтачилик билан бирга боғдорчилик ҳам равнақ топган. Колхознинг катта боғи 180 гектар ерни эгаллаган. Уни бир кунда пиёда айланиб чиқа олмайсиз. Ҳозир миришкор боғбонларнинг қўли-кўлига тегмайди. Узум, анор, анжир ғарқ пишиб, уларни шошилтириб қўйган. Сурхон сувини эмган шокосадек анорлар тами, мазаси донгги чиққан Қува анорларига монанд. Узумининг шираси, анжирининг тоти Фарғонаникига беллашади. Сурхонда ҳам Водил каби сўлим қишлоқлар, шўх ўйноқи сойлар кўп. Хўш, Фарғонадан унинг нимаси кам? Бу саволга сурхонликларнинг жавоби шу:

— Сурхоннинг гўзал манзарасини тасвирловчи мўйқалам соҳиблари, замон фарҳодларининг жўшқин меҳнатини тараннум этувчи сўз усталари — шоир ва адиблар бу ерга Фарғонага қараганда камроқ ташриф буюришади. Шу сабабли водий катта достон бўлишга ҳамон муҳтож...

2.

Инсон табиатнинг ажиб рассоми. Унинг жозибали, оҳанграбодек мафтункор расмларини Сурхоннинг ҳар бир ерида учратасиз.

Шўрчи район партия комитетининг секретари ўртоқ Э. Рустамов шундай ижодкор кишилар ҳақида завқ билан ҳикоя қиларди. Тонгда биз у билан Сурхонни кечиб чап қирғоққа ўтдик. Дарё пастда қолди. Қир қўйнида жойлашган Озод қишлоғига кириб бордик. Бу ердан бепоён Айригаза массиви бошланади. Ерлари серҳосил. Сув бўлмаганлиги сабабли неча йиллардан буён бўм-бўш ётарди. Охунбобоев номли колхоз аъзолари дарёга насос ташлаб, массивга сув чиқармоқчи бўлишди. Лекин айни ёзда дарё суви пастлашиб, экинлар қовжираб қолаверди. Бу йил эса қир кўксини яшил пахтазор эгаллади. Янги уйлар тикланди. Бир сўз билан айтганда табиат уйғониб, ҳусни очилди. Буларнинг ижодкори коммунист Шоймардон Қудратов номини секретарь фахр билан тилга олди. Бу йигит етти йилдан буён «Коммуна» колхозида бригадир бўлиб ишларди. Ўтган йили у 160 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» олди. «Зангори кема»да ўзи 254 тонна пахта терди. Шоймардон Айригаза массивига ҳужум бошлаганларнинг ишни чала қолдирганлигини эшитиб, шу колхозга кўчиб келди. У эрта баҳордан бошлаб ёнига ҳарбий хизматдан қайтган Худойқул Турдиев, Нормурод Каримовларни олиб, бульдозер билан ер текислади. Янги сув йўлини топди: Пайзаба каналидан сув олиб келди. Чўл шунқорлари 75 гектар ерга пахта экиб, Охунбобоев номли колхозда биринчи бўлиб маррага етишди. Бригада қўй, 150 сўм пул, мотоцикл билан мукофотланди. Ҳозир ҳам далаларда ҳосил мўл.

— Янги енгил машина шийпон ёнига келиб тўхтади. Ундан баланд бўйли, кулча юз, тийрак қўй кўзли Шоймардон Қудратов тушди. Райком секретари ғолибнинг қўлини қисиб табриклади.

— Йўл бўлсин? — сўради у.

— Бугун 13-бригада ёрдам сўраган...

Йигит машина устига сариғ бензит ёпди. Сўнг биз билан хайрлашиб, «зангори кема»сини ҳайдаб қўшни бригадага йўл олди.

3.

Афсонавий Фарҳод тош йўниб, тоғ ёриб, элга обиҳаёт олиб келган экан. Бизнинг замон фарҳодларига бундан ҳам улуғвор иш — тоғлар яратиш насиб бўлди. Сурхон ерларида не-не улкан «оқ олтин» тоғларини кўрдик. Мана, Термиз пахта заводининг «Сурхон» пахта тайёрлов пункти. Бу ерда 32 та улкан пахта хирмонлари қад кўтарган. Ҳар бирида 560 тоннадан ортиқ «оқ олтин» бор.

Пунктда кеча-кундуз иш тинмайди. Машиналарнинг кети узилмайди. Кечалари ўтли прожекторлар чарақлайди. Осмонда пағa-пағa булут пайдо бўлган дамларда пунктдагиларнинг ташвиши яна ортади.

Икки катта дарвоза ўртасида баланд шийпон бор. Бу ерга лаборатория жойлашган. Пахталарнинг нави, сифати белгиланган, машиналар катта тарозига ўтади. Тарозибон Тўхтош Ороловнинг кўзлари уйқусизликдан қизарган, аммо қўллари чаққон. Машиналарни тарозидан тез-тез ўтказиб турибди. Нарида транспортёрлар вариллаб ишлаётир. Улар пахтани юқорига кўтариб бормоқда. Лекин энг мураккаби уни расамади билан жойлаш. Агар пахта сал нотекис ётқизилса, қизиб кетиши ёки хирмон қулаши мумкин. Рамазон Умаров, Шодя Норқулов каби тажрибали тойловчилар кунига 80 тонна ўрнига 90-100 тоннани уймоқдалар. Улар бўйи 25, эни 14 метрли хирмонларни таёқ билан чаққон тарашлаб, ёнларини девордек силлиқ қилишмоқда. Бу ишлар тугагач пахта устига брезент ёпилиб, арқон тортилади. Вақт ўтгач, арқон бир-икки метрга бўшаб қолади. Хирмон ўз оғирлиги билан чўкиб, пасаяди. Буларни тоғ яратувчилар сезгирлик билан кузатиб турадилар.

Бу ерга асосан «Сурхон» совхози, «Қизил Октябрь», Ленин номли колхозлардан пахта келтирилмоқда. Иккинчи томонда янги ҳосил заводларга жўнатилмоқда. Ватанни, эл-юртни гўзалликка бурковчи либосга айланмоқда. Буни ҳис этиш пахтакорларга ҳам, тоғ яратаётганларга ҳам ҳузур-ҳаловат ва куч-ғайрат бағишламоқда.

Н. ЕҚУБОВ,
А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Кун тартибида:

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР

Бу йил боғбонларимизнинг омади келди. Мева ва узум ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Бу яхши. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу мўл ҳосил мева дарахтлари ва токларни бирмунча кучсизлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам боғбонларимиз олдида келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш, боғ ва узумзорларда кузги-қишки агротехника тадбирларини муваффақиятли ўтказиш вазифалари турибди.

Мева дарахтлари ва токларни қишдан зарарсизлантирмасдан олиб чиқиш учун уларнинг совуққа чидаш қобилиятини ошириш, бунинг учун эса уларни ҳозирданоқ сувдан тўхтатиш керак. Бу тадбир мева дарахтларини ўсишдан тўхтатади, новдаларининг пишишига имкон беради. Бу хил новдалар эса қиш совуқларида зарарланмайди.

Кечки мевалар тезда йиғиштириб олингани маъқул. Ҳосилдан вақтида бўшаган дарахтларда совуққа чидаш қобилияти ошади.

Куз ва қиш ойларида дарахтларни яхши парвариш қилиш келгуси йили мўл ҳосил олишнинг муҳим шартидир. Боғлар октябрь-ноябрь ойларида 25-30 сантиметр чуқурликда шудгор қилиниши, дарахтлар ораси чопилиши лозим. Шудгорлаш олдидан боғларга фосфор, калий, гўнг ва қисман азот ўғитлари солишни ҳам унутмаслик керак. Ҳосилга кирган катта боғларга гектарига 335-375 килограммдан суперфосфат, 50-60 килограммдан калий сепиб, сўнг ҳайдалиши керак. Ноябрь ва февраль ойларида боғларга яхоб бериш катта аҳамиятга эга. Яхоб тупроққа солинган ўғитларни эритади, органик моддаларни чиритади, тупроқда нам тўплайди, уни музлашдан сақлайди, оқибатда ўсимлик илдизи совуқдан зарарланмайди.

Ери шўр бўлган районларда тупроқдаги ортиқча зарарли тузларни чиқариб юбориш учун октябрь-ноябрь ойларида ана шундай ерларни ювиш лозим.

Мева дарахтларини кесиш, шакл бериш ҳам кузги-қишки агротехника тадбирларидан бири ҳисобланади. Борди-ю, дарахтлар кесилмай қолса, келгуси йил ҳосилига катта путур етиши мумкин. Республикамизда ҳосилга кирган мева дарахтлари ноябрь ойидан бошлаб февраль ойининг охирларигача кесилади. Данакли мева дарахтлари ҳамда куз ойида экилган кўчатларни баҳорда кесиш ва шакл бериш тавсия этилади.

Яхши кесилган дарахтлар қўёш ва ҳаводан нормал фойдаланадилар. Озуқа моддаси дарахтнинг кераксиз шох ва новдаларига сарф бўлмайди. Кесилмаган дарахтларнинг шохлари 1-2 йил ичида қалинлашиб кетади. Бу ҳол касалланиш, зарарли ҳашаротлар тушишига ҳам сабаб бўлади. Мевали дарахтлар ёш ва навига қараб кесилади. Кесиш вақтида зич ўсган шох ва новдалар, синган ва зарарланган шохлар олиб ташланишига аҳамият бериш керак. Бундан ташқари узунлиги 40-50 сантиметрдан ошган бир йиллик новдаларнинг учидан 25 процентдан 75 процентгача кесиб ташлаб, улар қисқартирилади, ҳосилга кирган ўрта ёшли дарахтлардан эса, асосан зич ўсган, чалкашиб кетган шох ва новдалар олиб ташланади, шох-шаббалар сийраклаштирилади. Узун бўлиб кетган сурх новдалар 25 процентдан 75 процентгача қисқартирилиши зарурлигини унутмаслик керак.

Токларни ҳам ўз вақтида кесиш ва кўмиш талаб қилинади. Одатда, Ўзбекистонда токлар сентябрнинг охирги ўн кунлигидан бошлаб кесила бошланади. Тупроққа кўмиладиган ток туплари ораларини ҳам 25-30 сантиметр чуқурликда юмшатиш лозим. Шудгор олдидан ҳар гектар токзорга 550-560 килограммдан суперфосфат, 50-60 килограммдан калийли ўғит сепилиши зарур. Токлар йилнинг бошқа фаслида ҳам агротехника талабларига кўра ўғитланади.

Ҳар бир район ва областнинг тупроқ ва иқлим шароитига қараб токзорлар қиш даврида бир мартадан уч мартагача суғорилади.

Токларни ёши, нави ва ўсиш кучига қараб вақтида тўғри кесиш келгуси йилда мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир. Бу тадбирни ўтказиш пайтида токнинг қай хилда кўтарилганлиги эътиборга олиниши зарур. Токлар уч ёшда ҳосилга кириши ҳаммага маълум. Симбағазларга кўтарилган токларни учинчи йили кузда кесишда уларда 3-4 та занг ва ҳар бир зангда 3-4 тадан пишиб етилган новда (маданг) қолдирилади. Зангларнинг юқори қисмидаги мадангларда ўрта ҳисобда 8-12 та, ўрта ва пастки қисмидагиларда эса 4-8 тадан куртак қолдириб кесилади. Симбағазларга кўтарилган 3 ёшли токларда ўрта ҳисобда 90-100 тадан куртак қолдирилади. Сўрида ўстирилган 3 яшар кўраки нав токларда эса 6-16 кўзли 12-16 маданг ва 120-150 та куртак қолдирилади. Ишком ва бошқа хил сўриларда ўстирилган токларнинг ҳар тупида 400-600, ҳатто ундан ҳам кўпроқ куртак қолдирилиши керак.

Баъзан токнинг зангдаги ҳосил новдаларини кесиб, уни яланғочлаб қўядилар. Оқибатда ҳосил тупининг устки қисмида тўпланади. Бу хил кесиш мақсадга мувофиқ эмас. Кесиш пайтида зангда ўсган маданглардан ҳар 20-30 сантиметрда биттадан қолдириш лозим. Бу ҳол тупнинг ўрта ва пастки қисмини ҳосил билан тўлдиради.

Кесиб бўлинган ток қатордаги оралиққа бир текис қилиб ётқизилади. Касалланган токларга керакли дорилар сепилади. Оиндиум (ун, шудринг, кул) билан касалланган токларга албатта оҳак, олтингугурт қайнатмасининг 5 даражали эритмаси ёки карболинеумнинг 6 процентли эмульсияси пуркалиши керак. Токлар дори сепилгандан кейин кўмилади. Кўмиш ишлари гидравлик кўтаргичларга эга бўлган махсус механизмлар воситасида ўтказилади. Ток устига 30 сантиметр қалинликда тупроқ тортилиши шарт. Кузги-қишки тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилиши келгуси йил ҳосилининг кутилганидан ҳам зиёда бўлишини таъминлайди.

М. МИРЗАЕВ,
М. СОБИРОВ,
Х. АМИНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.



«ПРАВДА» колхози Оржоникидзе районидагина эмас, Тошкент областида биринчи бўлиб маррага етган эди. Хўжаликнинг бу ажойиб ғалабасида неча ўнлаб чевар-чечан теримчи қиз-йигитларнинг муносиб ҳиссалари бор. Ана шу фидокорларнинг ғайрат ва ташаббуслари натижасида колхоз ҳар куни тайёрлов пунктларига графикда белгиланганидан бир неча баравар кўп пахта топширишга муваффақ бўлди.

Сиз бу суратда колхознинг энг пешқадам теримчиларидан бири Арофат Турсунмуродовани кўриб турибсиз. Бу меҳнатсевар, тиниб-тинчимас қиз ҳар куни хирмонга 200 килограмм ва ундан ошириб пахта тўкиб келди. У ҳозир ҳам меҳнатда дугоналарига ибрат бўлаётир. Арофат терган пахта ҳозиргача 13 тоннадан ошиб кетди. Суратда: пешқадам теримчи Арофат Турсунмуродова.

А. Тўраев фотоси.

ЮРТ СОҲИБАСИ

Оппоқ тонг отмоқда...
жунжийди бадан,
Ялар юз-у кўзни дайди ел — бебош.
Ижирганган каби хазонрезгидан
Совуққина боқар уфқдан қуёш.

Аммо, сен чиқасан, синглим, далангга,
Нигоҳларинг жиддий, руҳинг-чи тетик.
Кириб бораяпсан далага — жангга
Оёғингда вазмин керзовой этик...

Жангчидан фарқинг кам:
фақат дилингга
Покиза виждонинг беради фармон.
Аскар этиги-ла ўтган йўлингда
Кўкларга бўй чўзиб қолади хирмон!

Ҳа, сен ҳам жангчисан, синглим, аслида,
Мадҳингни юракдан келар куйлагим.
Ахир, қани айтчи, қайси фаслда
Баданга ёпишмас тердан кўйлагинг?

Тутларга тортилган беланчак узра
Онангнанг алла айтганда танҳо,
Кўкрак сути ила далалар меҳри
Сингиб кетганмиди қон-қонингга ё?

Куйлаб, қўшиқ айтиб пахта теришинг
Битилган бўлсада шеърларда гарчанд,
Бугун соч толиден кўпдир юмушинг,
Гоҳ кўкка боқасан жиддий ва ўйчан...

Уз сўзли санамсан, ҳар гапинг чин гап,
Ғолиблар ҳислатн сенда жамулжам.
Чаноқлар тирнаган бармоқларингга
Қайноқ нафасим-ла кел, қўлй малҳам!

Қай йигит севгингни этмайин қадр,
Рухсори олингни қилса заъфарон,
Ениб кетай дейман, нечун тутай сир,
Менинг юрагимда бошланар тугён!

Уйда ва далада, йиғин, минбарда
Тилингдан тушмайди истиқбол баҳси.
Дилбарсан, мунисан, жанговар, бардам,
Юртимнинг қорақўз мард соҳибаси!

Охунжон ҲАКИМОВ.

МАШИНА ШАРОФАТИ

«Озод» колхозида йиғим-терим барвақт бошланди. Қизлар ҳандон ташлаб қўш-қўш отаклар тутиб далага чиқадилар. Салима Ғуломова, Рихси Ҳасанова, Ҳикоят Назирова каби чаққон теримчилар нормани бир ярим-икки баравар бажара бошладилар. Бу, албатта яхши. Лекин колхозда машина терими бошланмагунча хўжалик районда энг охирги ўринда қолаверди.

Ниҳоят, машина терими бошланиб кетди. Механик-ҳайдовчилар колхоз далаларига «ХТ-1,2» терим машиналарини олиб чиқдилар. Бегимқул Эгамқулов, Умарохун Аҳмедов, Мамадали Эргашев, Пўлат Деҳқонбоев, Убайдулла Абдухалилов каби азамат капитанлар енг шимариб ишга киришдилар. Далалар бағрида елкандек сузаётган 20 га яқин машина тинимсиз ишлаб, ўн кундаёқ колхозни маррага яқинлаштириб қўйди.

Бегимқул Эгамқулов «ХТ-1,2» машинасида ҳар куни 7-8 тоннадан пахта терди. Унинг бир ўзи машинада терган пахта 80 тоннадан ошди. Унинг касбдошлари ҳам ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилдилар. Колхозда суръат кескин ортиб кетди.

«Зангори кема» капитанларининг фидокорона меҳнатлари туфайли ажойиб ғалаба қўлга киритилди. Хўжалик пахта топшириш йиллик планини 20 иш кунидаёқ бажариб қўйди. 792 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтаридн. Шу кунларда фидокор пахтакорлар ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш йўлида самарали меҳнат қилишяпти. Колхознинг Мирғани Ҳасанов, Бегимқул Эгамқулов, Бакир Алиҳонов, Зоир Умаров, Холмурод Ниёзов каби забардаст пахтакорлари маррага жадал етишда ажойиб ибрат кўрсатдилар.

Оққўрғон дочинлари деб ном олган «Озод» колхози механик-ҳайдовчилари пахтазорда ҳамон тинмай жавлон урмоқдалар. Улар ўз колхозлари хирмони тўғрисидагина эмас, район, область ва республика хирмони тўғрисида ҳам ўйлайдилар. Бу туйғу уларни меҳнатда намуна кўрсатишга даъват этмоқда.

Ю. ҲАМДАМОВ,

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

670 ХОНАДОН УҚИЙДИ

14-бригаданинг дала шийпони. Тушки дам олиш пайти.

— Ана почтальон келяпти, — деди теримчи қизлардан бири.

Колхоз почтальони ўртоқ Мамажон Усмонов газета-журналларни эгаларига берар экан:

— 1966 йил газета-журналларига обуна қилишни бошлаймиз. Қани, ким ёзилади? — деди.

— Мени ёзинг, — деди Мақсудахон Розиқова.

— Мен ҳам ёзиламан, — деди Гуломиддин Нуераliев.

Шундай қилиб, бригада аъзоларининг ҳаммаси газета-журналларга обуна бўлдилар.

Шу куни Андижон районидаги Энгельс номли колхознинг бошқа бригада дала шийпонлари ва хонадонларида ҳам газета-журналларга обуна бўлиш қизғин давом эттирилди.

Р. Иминов.

КЕНГ ТУС ОЛДИ

Самарқанд область Морозов номли босмахона ишчи-хизматчилари ўртасида 1966 йил учун газета-журналларга обуна бўлиш кенг тус олди. Ҳар бир нашриётчи иттифоқ, республика, область ва районда чиқадиган газета-журналларга бирдамлик билан обуна бўлишяпти. Л. Вашинина, Г. Очилова, В. Розинов ва шунга ўхшаш бир неча кишиларнинг ҳар бири 20-39 сўмлик газета-журналларга ёзилдилар.

Р. Қурбонов.

МАКТАБЛАРДА ОБУНА

Бухоро район мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилар коллективлари янги йил газета-журналларига обуна бўлишга ҳар йилгидан барвақт киришди. Обуна бўлишда айниқса Крупская номли, «Ленинград», «Москва» мактаблари олдинда бориб, бошқаларга ўрнак бўляпти. Қисқа вақт ичида бу мактабларнинг 500 дан ошиқ ўқитувчи ва ўқувчилари «Правда», «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Шарқ юлдузи», «Совет мактаби» «Ўзбек тили ва адабиёти», «Фан ҳақида суҳбатлар», «Ғунча», «Гулхан» каби газета-журналларга обуна бўлишди. Обуначилар сони кун сайин ортиб бораётир.

Э. Кенжаев.

690 НУСХА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛГА

Колхозчиларимиз газета-журналларни зўр қизиқиш билан ўқийдилар. Улар бу йил ҳам турли газета-журналларга уюшқоқлик билан обуна бўлишяпти.

Колхозчи Мақсуд Шоазимов оиласи 4 хил газета ва 2 та журналга обуна бўлди. А. Аброров, Ж. Раҳмонбердиев, Т. Юсуфалиев ва бошқа сабзаватчилар 4-6 номда газета ва журналга обуна бўлдилар.

Ҳозиргача колхозимиз аъзолари 690 нусха газета ва кўплаб журналга ёзилдилар. Бу йил қишлоғимизда газета-журнал олмайдиган бирорта хонадон бўлмайди.

А. Анбархўжаев,
Калинин район, Ильич номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

МУНОСИБ ТУҲФА

Шу кунларда Тошкент телевидение студияси адабий-драматик эшиттиришлар редакциясининг ижодий ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», адиб Ойбекнинг «Улуғ йўл» романи, шоир Султон Акбарийнинг «Гирдоб» поэмаси асосида тайёрланиб, телетомошабинларга тақдим қилинган телевизион спектакллар шулар жумласидандир.

Режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романи асосида шу ном билан кўп серияли телевизион спектакль тайёрламоқда. Спектаклнинг иккн сериясн яқинда телетомошабинларга ҳавола қилинди.

Режиссёр Маҳкам Муҳамедов ҳам улуғ аёим олдидан ёзувчи Парда Турсуннинг «Уқитувчи» романи асосида уч серияли телеспектакль тайёрлашга киришди.

Адабий-драматик эшиттиришлар редакцияси келгусида Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», Жон Риднинг «Жаҳонни ларзага келтирган ўн кун», Яшинининг «Нурхон», Мирмуҳсинниинг «Чўри» асарлари асосида телетеатр рубрикаси билан қатор телеспектакларни экранлаштиришни планлаштирган.

Булардан ташқари область театрлари фестивалини ўтказиш, революция ветеранлари, коммунистлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи адабий эшиттиришлар, бадий лавҳалар, адабий-музикали монтажлар, телекомпозициялар кўрсатиш мўлжалланган.

Бу эшиттиришлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган муносиб совға бўлади.

Э. МУСАЕВ.

Пахта далаларида

Сирдарё. Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоз пахтазорларида 28 «зангори кема» тинимсиз ишлаб турибди. М. Шодиқулов, Қ. Пардабоев, Т. Тоғаев каби ишчан механизаторлар «пўлат этак»лардан кунига 4,5-5 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, колхозда йиллик пахта тайёрлаш планининг тезроқ бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

А. Эшмуродов.

●

Хоразм. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Ҳалима Ҳошимова Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхози далаларидан 125 тоннадан ортиқ пахта териб олди. У мавсумда ўзи бошқараётган «зангори кема» бункеридан 200 тонна «оқ олтин» тўкиш учун курашмоқда.

Қ. Салаев.

●

Бухоро. Қоракўл районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Тўрақул Бобожонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари давлатга 188 тонна пахта топшириб, йиллик пахта тайёрлаш планини 24 иш кунида бажардилар. Бригада аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Б. Бекбоев.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

«КИШИНИ МЕҲНАТ УЛУҒЛАЙДИ»

Сирдарё область Ильич район партия комитети хабар беради:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 3 август сонида коммунист мулоҳазалари рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Мирзачўл ерларини ўзлаштираётган комсомол-ёшлар орасида таълим-тарбия ишларини кучайтириш, кадрларнинг қўнимсизлигига барҳам бериш, уларнинг назарий билими ва малакасини оширишга жиддий эътибор қилиш зарурлиги қайд қилинган эди.

Район партия комитети мақолада жуда актуал ва диққатга сазовор масала кўтарилганини таъкидлади. Мақола барча бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотларининг бюро мажлисларида, коммунистлар ва комсомолларнинг йиғилишларида кенг муҳокама этилди. Ёшлар тарбиясини яхшилаш, уларнинг меҳнат кўтаринкилигини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

УЛКАН ОЛИМ

Машина ва механизмлар механикаси фанининг йирик олими, педагог ва жамоат арбоби академик Иван Иванович Артоболевскийнинг туғилганига 60 йил тўлди. И. И. Артоболевский 1905 йил 9 октябрда Москвада олимлар оиласида дунёга келди.

У 1924—1926 йилларда студентлик чоғларидаёқ Темирязев номли қишлоқ хўжалик академиясининг қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасида ассистент бўлиб ишлайди. Академияни битиргач, 1928 йилда М. В. Ломоносов номли Москва электромеханика институти тадбиқий механика кафедрасининг доценти бўлади. 1929 йилда эса Д. И. Менделеев номидаги Москва химия-технология институтида конкурс бўйича профессорлик унвонини олади ва «Техника механикаси» кафедрасига мудир бўлади. 1936 йилда СССР Фанлар академиясининг президиуми ёш олимга техника фанлари доктори деган илмий даража беради.

И. И. Артоболевский 1939 йилда СССР Фанлар академияси техника бўлимининг механизмлар назарияси қисми бўйича корреспондент-аъзоси қилиб сайланади. У кўп йиллик бой тажрибаси асосида машинасоз студентлар учун ягона дарслик яратади; Бу дарслик 1940 йилда нашр этилади. 1945 йилда олий техника ўқув юртлари учун дарслик ёзади. 1951, 1952, 1953 йилларда бу дарслик қайта ишланиб, у чет тилларга ҳам таржима қилинади.

1945 йилда техника фанларини ривожлантиришдаги катта хизматларини эътиборга олиб, унга РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби унвони берилади ва 1946 йилда СССР Фанлар академиясининг механизмлар назарияси қисми бўйича ҳақиқий аъзоси этиб сайланади.

Кейинги ўн йилликлар ичида олим машиналар динамикаси каби мураккаб масалани ривожлантириш борасида ишламоқда. Машина агрегатининг ҳаракат дифференциал тенгламасининг умумлашган кўринишини тавсия этди.

И. И. Артоболевский ўз шогирдлари билан вибрацион механизмлар ва ўзгарувчан массали звеноларга эга бўлган механизмлар динамикасига оид масалаларни назарий ва экспериментал йўллар билан ечиш методларини яратди. Айниқса, ҳозирги замон механизмлари ичида энг аҳамиятли бўлган гидравлик ва пневматик механизмлар назариясини бойитди. 1939 йилда олим томонидан тузилган экспериментал динамика лабораториясига ҳозирги кунда унинг шогирди техника фанлари доктори Н. П. Раевский раҳбарлик қилмоқда.

Олим машина тарихи ҳақидаги фанга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. У биздаги ва чет эллардаги механизм ва машина тараққиёти тарихи тўғрисида кўп асарлар яратди. Олимнинг Леонардо да-Винчи, М. В. Ломоносов, И. И. Кулибин, П. Л. Чебишев, Н. Е. Жуковский, Л. В. Ассур, В. П. Горячкин, Н. И. Мерцалов ва В. В. Добровольский каби олимлар илмий мерослари ҳақида тарихий асарлари диққатга сазовордир.

Академик И. И. Артоболевский — фан-техника ютуқларини кенг оммага етказувчи талантли targ'ibotчидир. У 40 йиллик илмий-педагогик фаолияти даврида 600 дан ошиқ асар ёзди.

Олим студентларга механизм ва машиналар назарияси, механизмлар синтези, машина динамикаси, тебраниш назарияси, машина ҳаракатини меъёрлаш, авиация ва денгиз двигателларини мувозанатлаш, қишлоқ хўжалик машиналари назарясини ва бошқа айрим машина фани соҳаларидан лекциялар ўқиган.

У 1936 йилда машина ва механизмлар назариясидан семинар ташкил этиб, ҳозирги кунгача семинарнинг илмий раҳбари бўлиб келмоқда. Ҳозир Москва семинаридан ташқари, унинг филиаллари Ленинградда, Днепропетровскда, Харьковда, Тбилисида, Челябинскда, Киевда ва Каунасда ишлаб турибди.

Олим кўпгина илмий кадрлар тайёрлади. Унинг раҳбарлигида 73 фан кандидати, 26 фан докторлари етишиб чиқди.

Артоболевский, илмий ва сиёсий билимларни оммага тарқатувчи СССР жамиятини ташкил этувчилардан биридир, у РСФСР билим жамияти правлениесининг раиси.

1959 йилда РСФСР V чақириқ олий Советининг депутати ва РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб, 1963 йилда ҳам РСФСР Олий Советининг депутати қилиб сайланган.

Атоқли олим И. И. Артоболевский совет фани олдидаги улкан хизматлари учун ва туғилганига 60 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ленин ордени билан тақдирланди.

Х. УСМОНХЎЖАЕВ,
Техника фанлари кандидати, доцент.

НУРЛИ ЎЛКАМ БЎЙЛАБ КЕЗГАНДА...

1. ЎЗБЕКИСТОН

Баҳористон атадим, ўлкам
Тасвирингга бўёқ етишмас,
Ҳушгор бўлиб кўйингда мен
маст,
Кезиб чиқдим, нақадар кўркам!
Деҳқончилик юрагинг, қонинг,
Пахта, меванг — бойлик ва
гурур.
Саноатинг — шуҳрату шонинг,
Бахтинг билан сен элга машҳур.
Қалбда доим ҳароратинг бор,
Ҳар сатримда мадҳиянг, дилбр!

2. БОҒ ҲАМ ЎЗИНГ, БОҒБОН ҲАМ ЎЗИНГ!

Кўз ўнгимда ажиб чаманзор,
Товланади рангин, беғубор.
Жилва қилиб чорлар багрига
Сулув келин мисол гул дилбр.
Мафтун бўлиб тингладим
сўзинг,
Боғ ҳам ўзинг, боғбон ҳам
ўзинг!
Қанот бердинг қилмоққа парвоз,
Меҳринг тутдим дилимга
ҳамроз, —
Ҳаёт ичра бор менинг ўрним,
Гул жамолинг боз қилдим соз.
Мафтун бўлиб тингладим
сўзинг,
Боғ ҳам ўзинг, боғбон ҳам
ўзинг!
Бўлсам гўё мевали дарахт —
Деган дилда бордир ноёб аҳд,
Ҳосил — шеърим қилолсам
манзур.
Менинг учун бу каттанон бахт.
Мафтун бўлиб тингладим
сўзинг,
Боғ ҳам ўзинг, боғбон ҳам
ўзинг!

3. МИРЗАЧЎЛДА

Тураман шод
Дала — шийпонда,
Гулистоннинг яшил қўйнида.
Кўз олдимда
Борлиқ янграйди,
Қаҳ-қаҳалар меҳнат кўйида.
Пахтазорда
«Зангори кема»,
Наъра тортиб, кезади мағрур.
«Оқ олтин»ни
Хўплашларига
Ҳамма қойил... Кўнгиллар
масрур.
Яша, чексиз пахта денгизи,
Денгизларнинг сара, тенгсизи!

4. ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ

Уфқ узра
Бош кўйиб куёш,
Шўъла тараб, кўз қисиб боқар...
Монтёр шу он
Чаққон кўллар-ла
Чарақлатиб электр ёқар.
Қийғос чироқ...
Осмон юлдузи —
Қишлоқ бўйлаб тўшалган каби.
Борлиқ ёруг,
Чароғон, яшнар!
Упич сўрар осмоннинг лаби.
Порла, порла, сўммас чироғим,
Нур қўйнида яшнар қишлоғим.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ОЛЧАДАГИ ИЛОН

Кечки пайт. Қишлоқ жимжит. Куюқ дарахтлар остига қўйилган сўрида 3-4 киши ўтирардик. Шу топда олча шохлари шитирлаб қолди. Қушлар бўлса керак деб эътибор бермадик. Бир дақиқа ўтгач, олчанинг пастки шохлари орасидан шувуллаган товуш эшитилди. Беихтиёр у томонга қарадик. Не кўз билан кўрайликки, бир метр чамасидаги ўқ илон дарахт шохларига ўралиб бошини биз томонга қаратиб, заҳарли тилларини чиқариб турарди. Уни танидик. Аввалари ҳам боғда учратардик уни. Лекин у ҳар гал чап бериб эски девор орқасига кириб кўздан ғойиб бўларди.

Бу гал заҳарли илон қўлимиздан қочиб қутулолмади.

ҚЎРИҚЧИ—БЕШИКТЕРВАТАР

Олтиндек товланиб пишган узумларга арилар ғов бўлади. Ишкомнинг юқори қисмида пишиб етилган 3-4 бош узумни тез кунда арилар ғовак қилиб кетишди. Аммо шу ишкомнинг ёнгинасидаги бағазда етилиб турган бир бош катта узум шунақаям тиниқ, тоза эдики, бир дона ҳам ари еган ғужуми йўқлигидан ажабланарди, киши.

Узум бошларини кузатаётгандим, катта қовоқ ари келиб, мармардек товланиб турган узум доналарига қўнди. Шу пайт япроқлар орасидан яширинib турган бешиктерватар қиличдек «қўл»ларини чўзиб ари томон кела бошлади. Арининг тепасига шошмасдан йўғалаб келиб унга шундай човут солдики, ари учишга ҳам ўлгуролмай бешиктерватар чангалига тушди. Ари заҳарли ништарини қанча ишга солмасин фойдаси бўлмади.

20 минут чамасида бешиктерватар арини еб тугатди. У энди янги «меҳмон»ларни кутарди.

Шундай қилиб, қўриқчи — бешиктерватар узум бошини бир ой чамаси қўриқлаб турди.

П. НИШОНОВ.

Тошкент области.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Республиканинг бошқа областларида булут кам бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат Ўзбекистоннинг шимолий районларида 17-22, жанубда 31 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кучсиз шамол бўлиб, ҳарорат 25-27 даражагача етади.

ПЛАСТИНКАДА ДОСТОН

Яқинда Тошкент грамзапись студияси «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонини пластинкага ёзиб олди. Достон ўттиз бешта рангба-ранг қўшиқлардан иборат. Бу қўшиқларни Тошкент Давлат музика билим юртининг ўқитувчиси Рўзимбет Мурод баҳши ўғли маҳорат билан ижро этган. Достон икки ярим соатча айтилишига қарамай, тингловчини зериктирмайди. Рўзимбет Мурод баҳши ўғли бу достонни ёшлигидан, яъни 14 ёшидан бошлаб айтиб келади.

С. ҚОЛИБОЕВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ЧИЛИ КОМПАРТИЯСИНИНГ XIII СЪЕЗДИ

САНТЬЯГО. ТАСС мухбири **Н. Чигир** хабар беради:

Чили Коммунистик партиясининг XIII съезди 10 октябрда Сантьягода ўз ишини бошлади. Съезднинг юзлаб делегатлари ва фахрий меҳмонлари миллий конгрессининг тантанали мажлислар залини тўлдирдилар. Чили халқининг энг яхши ўғил ва қизлари — мис ва селитра конлари, металлургия корхоналарининг ишчилари, портчилар, деҳқонлар делегатлари бу ерга тўпландилар. Съезд қатнашчилари орасида интеллигенциянинг кўпгина вакиллари — артистлар, ёзувчилар, университетларнинг ўқитувчилари бор.

Чили Компартияси Марказий Комитети бош секретарининг ўринбосари Хосе Гонсалес съездни очиб, қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларини қизғин табриклади. Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. П. Кириленко бошчилигидаги Лекин партияси делегациясини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Чили социалистик партияси делегациясини ва халқ ҳаракати фронтига кирувчи бошқа сиёсий ташкилотларнинг вакилларини ҳам съезд қатнашчилари самимий кутиб олдилар.

Чили Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари Луис Корвалан съездга партия марказий комитетининг ҳисобот докладини қилди. У, Чилининг ҳозирги ички сиёсий аҳволини тасвирлаб берди, компартия ва ишчилар ҳаракати фаолиятининг энг муҳим вазифаларини, ҳақиқий миллий мустақилликка эришиш учун кураш вазифаларини съезд муҳокамасига қўйди.

Докладчи Чили коммунистларининг сиёсати империализм ва олигархияга қарши чиқаётган барча синфлар ва ижтимоий табақаларни ишчилар синфи атрофига бирлаштиришга қаратилгандир, деди. У, айтдики, мамлакат империализм ҳукмронлигидан тўла озод қилинган, латифундия ва хусусий монополиялар тугатилган тақдирдагина Чилида чинакам революцион ўзгаришларга йўл очиб берилиши мумкин.

Съезд делегатлари Корвалан докладини, партия уставини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни муҳокама қиладилар, партиянинг раҳбар органларини сайлайдилар, Чили коммунистларининг съезди 17 октябргача ўз ишини давом эттиради.

КОНГОДА ЖАНГЛАР

ЛОНДОН, 12 октябрь. (ТАСС). Оғир мудофаа жангларидан кейин Конго қўзғолончиларининг отрядлари бир йилдан ортиқ ўз қўлларида турган Физи шаҳрини (мамлакат шарқида) ташлаб чиқдилар.

Шунга қадар, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири Леопольдвилдан, Леопольдвиль «икки ҳафта мобайнида қуруқликдан, осмондан ва Танганьика кўли тарафдан аралаш ҳужум» қилиб турди.

Бошқа хабарлардан маълум бўлишича, қурол-яроғи камроқ бўлган қўзғолончи отрядлар Физи атрофидаги тоғлик районнинг ичкарисига чекинганлар. Чет эллик кузатувчиларнинг фикрича, сони 3 минг кишига яқин бўлган қўзғолончилар ҳозирги вақтда ана шу тоғлик районда ўз кучларини қайта тузиб олмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида учрашувлар

НЬЮ-ЙОРК, 12 октябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча, СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ваколатхонасида БМТ Бош секретари У Тан билан учрашди.

Учрашувда Ҳиндистон ташқи ишлар министри С. Сингх, Кипр ташқи ишлар министри С. Киприану, БМТ Бош Ассамблеяси 20 сессияси делегацияларининг бошлиқлари: Гвинеядан — Д. А. Абдулайе, Уругвайдан — О. Рейес, Эрондан — М. Вакил, Япониядан — А. Мацуи, Норвегиядан — С. Нильцен, Югославиядан — Д. Лекич, Аргентинадан — Гарсиа Дель Солар, Бирмадан — У Ти Хан, Гаиадан — Дадзи, Малидан — С. Кулибали иштирок этдилар.

Совет томонидан Украина делегациясининг бошлиғи, Украина ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Т. Тронько, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Эстония ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри А. К. Грен, СССР нинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Н. Т. Федоренко ва совет делегациясининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 12 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг 20 сессиясидаги совет делегациясининг бошлиғи, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча Ироқ бош министри ва ташқи ишлар министри А. Р. Албаззоз билан учрашди.

НЬЮ-ЙОРК, 12 октябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча Покистон ташқи ишлар министри З. А. Бхутто билан суҳбатлашди.



Афғонистон. Суратда: Кобил шаҳрининг маркази.
В. Соболев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

МИКРОФОН ОЛДИДА— САНТО-ДОМИНГО

1965 йил 24 апрель куни эрталаб Санто-Доминго диктатори Дональд Рейд Кабраль ҳокимият қўлдан кетадиган вақт-соат яқинлашиб қолганлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Кундузи соат 4 ларда Санто-Доминго радиостанцияси ўзининг одатдаги эшиттиришларини тўхтатди.

— Доминикана халқи, вақт-соат келди! Казармада қўзғолон кўтарилди! — деди диктор.

Санто-Домингонинг эски қисмидаги деярли кимсасиз кўчаларига одамлар дарёдек оқиб кела бошлади. Ишчилар, студентлар, савдогарлар, ҳунармандлар кўчаларга чиқишди.

Бир гуруҳ жасур ёшлар Санто-Доминго радиостанциясига бостириб кириб, микрофон орқали халқни Рейд Кабралнинг золим ҳукмронлигига қарши курашга чақирди. Бу ёшлар орасида Хосэ Франсиско Пенья Гомес, Луис Акоста Техеда, Марио Баэс Асунсьон, Луис Армандо Асунсьон ва бошқалар бор эди.

Кўп вақт ўтмай, полиция бу жасур ёшларни ушлаб олди. Радиостудиянинг штатли диктори қўзғолон бошланганлиги ҳақидаги хабарни «рад қилди». Лекин халқ кўчалардан кетмади.

Рейд Кабраль ҳукумат «қўзғолонни бостирди», эндиликда казармаларга жойлашиб олган бир неча «тенгакларни» қўлга туширишгина қолди, деди.

Кабраль ана шу гапларни айтгандан сўнг бир оз вақт ўтгач, ватанпарварлар яна радиостанцияни штурм қилишга бордилар. Радиостанция эгалланганидан сўнг Доминикана халқининг ҳақрамонона курраши китобида янги саҳифа очилди. 38 минг кишидан иборат армия ва полициянинг бирлашган кучлари тор-мор қилинди. Тез орада мамлакатга Қўшма Штатларнинг денгиз пиёда аскарлари бостириб кирди. Халқнинг реакция кучларига ва янкилар интервенциясига қарши курашида Санто-Доминго радиоси жуда катта роль ўйнади.

Диктатурага қарши қаратилган қўзғолоннинг туб илдизлари бор эди. Рейд Кабраль янкилар тарафини олганлиги учун Доминикана халқи уни жуда ёмон кўрарди. Пораҳўрлик, халқ мулкини ўғирлаш ва контрабанда Рейд Кабраль золимлик билан ҳукмронлик қилган даврда жуда авж олиб кетган эди. Ҳарбий амалдорлар ва сиёсатдонлар зебузийнатда яшашган бир пайтда мамлакатнинг 3 миллион 300 минг аҳолисидан 400 минг яқин киши ишсиз эди.

Шунинг учун қўзғолон сабабини тушуниб олиш қийин эмас.

Мамлакатнинг собиқ президенти Хуан Бош раҳбарлик қилган Доминикана революцион партиясининг баъзи арбоблари 1963 йил 25 сентябрь ҳарбий тўнтариши натижасида Хуан Бош ҳокимиятни ағдариб ташлангандан сўнг ҳам армиядаги офицерлар, сержантлар ва солдатлар ўртасида тинимсиз иш олиб бордилар ва бу халқ қўзғолонининг ғалаба қозонишига ёрдам берди. Партия аъзолари Рейд Кабраль тузумини ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни бутун тўлалигича янги қонуний ҳукуматга олиб бериш Доминикана халқи олдида турган проблемаларни ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигига солдат ва офицерларни ишонтирдилар.

24 апрель кечаси соат тўққиз яримда Санто-Доминго радиоси орқали барча соф виждонли солдат ва офицерларни халқ томонга ўтишга даъват этувчи чақириқ янгради. Шу пайтдан бошлаб радиостанция революциянинг ҳақиқий садоси бўлиб қолди.

Халқ душманларининг самолётлари радиостанцияни бомбардимон қила бошладилар. Улар антеннага зарар етказдилар ва 26 апрелда Санто-Доминго радиоси жим бўлиб қолди. Бомбардимон тўхтатилмаганлиги сабабли радио ходимларини эвакуация қилишга тўғри келди. Учувчиларнинг оналари ва хотинлари, қизлари ва сингилари Санто-Доминго радиоси орқали сўзлаб, уларни қонхўрлик урушини тўхтатишга чақирдилар. Ўзлари турган радиостанцияни бомбардимон қилмасликни сўрадилар. Лекин учувчилар радиостанция устига ҳамда конституциячилар позицияларига ўлим келтирувчи юкларини ташлаб бердилар. Улар Сан Исидро базаси яқинидаги Дуарте кўпригида душман танкларидан мудофаага ўтиб, қаҳрамонона курашаётган халқнинг қонини тўкдилар.

Бу сотқин учувчилар ўз оналари ва хотинларининг илтижоларига қулоқ солмадилар. Америка ҳарбий «маслаҳатчи»ларининг буйруқларини итоаткорлик билан бажардилар.

Бироқ, душманлар Санто-Доминго радиосини жим турishга мажбур қила олмадилар. Бир неча кундан сўнг радио яна эфирга чиқди ва халқни қуролни қўлдан қўймасликка чақирди.

Кейинчалик, янкилар қурол кучи билан «хавфсизлик йўлаги»ни кенгайтиргандан сўнг, радиостанция шаҳарнинг энг марказига, Эль Кондэ ва Санчес кўчалари бурчагидаги Копельо уйига кўчиб ўтди. Радиостанция ана шу уйда 3 сентябрга қадар, муваққат президент Гарсиа Годой ҳокимият устига келгунгача эшиттиришларни давом эттирди.

Копельо уйида тўхтовсиз бомбардимон ва артиллерия отишмаларига қарамай, одамлар туну-кун тинимсиз ишладилар. Ярадор бўлган, лекин қуролни ташламаган Санто-Доминго радиоси халқимиз курашининг тимсоли бўлиб қолди. Халқимиз ўз жонажон ёридан сотқинлар ва боскинчиларни бутунлай улоқтириб ташлашга бел боғлаган.

Журналистлар халқаро иттифоқининг Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги сессиясида тинчлик ва Доминикана халқининг муқаддас кураши манфаати йўлидаги қаҳрамонона курраши учун Санто-Доминго радиоси Журналистлар халқаро иттифокининг мукофоти билан тақдирланди. Мукофот бериш тўғрисидаги таклиф асосланиб, шундай дейилган: Санто-Доминго радиоси ҳар қандай қилиб бўлса ҳам унинг овозини ўчиришга уринган душманнинг қаттиқ ҳужумларига қарамай, «Доминикана халқини курашга руҳлантирувчи муқаддас принципларга байроғини изчил баланд кўтариб борди». Радиостанция халқ мустақиллиги учун курашиб, «Америка империалистларининг қуролли интервенциясига қарши курашга халқни мунтазам ва кескин равишда даъват этганлиги» алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Онорато ХИМЕНЕС,
Доминикана журналисти.
(АПН).

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАРНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТИ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба ички ишлар министрлиги кубалик контрреволюционерларнинг янги жинояти тўғрисида қуйидагиларни хабар қилди: 8 октябрь кечкурун Куба соҳилига тушган бир группа номаълум шахслар Лас-Вильяс вилоятининг шимолида Плайя Панчита районида қирғоқ соқчиларини автомат қуролдан ўққа тутди. Куба чегарачиларидан бири ўлдирилди. Кубанинг давлат чегарасини бузаётган шахслар катерга тушиб кўздан ғойиб бўлдилар.

Кейинчалик аниқ маълум бўлишича, дейилади ички ишлар министрлигининг баёнотида, қуролли жиноятчилар Кубага АҚШдан келганлар ва чегара соқчисини ўлдиргапларидан кейин Америка маъмурлари уларни яна қабул қилиб олганлар.

Тўнтариш раҳбарлари қамоққа олинди

ЛОНДОН, 12 октябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги Жакарта радиосининг хабарларига таяниб, Сингапурдан хабар беради: Индонезияда муваффақиятсизликка учраган тўнтаришнинг раҳбари подполковник Ўнтунг кеча Тегал шаҳри (Ява оролларининг шимолий сохили) яқинида ушлаб олинди.

Ана шу манбаларнинг хабарларига кўра, Индонезия армияси тўнтаришнинг яна бир раҳбари полковник Латифни ҳам қамоққа олди.

Ўт очишни тўхтатиш линиясида

ДЕҲЛИ, 12 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон мудофаа министрлигининг баёнотида айтилишича, Покистон артиллерияси Ҳиндистон позицияларини ўққа тутган ва Покистон самолётлари Ҳиндистон позицияларидан устидан учиб ўтгани қайд қилинди.

КАРАЧИ, 12 октябрь. (ТАСС). Покистон мудофаа министрлигининг баёнотида «Ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим тузилгандан кейинги 18 кун мобайнида Ҳиндистон ана шу битимни 105 марта бузди» — дейилади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СПОРТ

САФАРДАГИ БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат биринчилиги учун «А» классининг иккинчи лигасида қатнашаётган Тошкент областининг «Политотдел» колхоз футболчилари навбатдаги ўйинни Тбилиси шаҳрида «Локомотив» командаси билан ўтказдилар ва 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Бу колхоз командасининг сафардаги биринчи мағлубияти бўлди. Финал матчларни кутарининг рухда ўтказаётган колхоз футболчилари 5 ўйинда 6 та очко тўплаб турнир жадвалида 9-ўринда боришяпти. 37 та очко тўпланган Новосибирскнинг Армия спорт клуби пешқадамлик қиляпти. Группадаги сўнгги тур ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: СКА (Новосибирск) — «Труд» — 0:0, «Локомотив» (Винница) — «Динамо» (Таллин) — 2:0, «Энергетик» — «Кубань» — (Краснодар) — 1:0, «Трактор» — «Олга» — 1:0, «Строитель» — «Ростсельмаш» — 1:3, «Спартак» (Гомель) » «Волга» (Калинин) — 2:0, «Металлург» (Запорожье) — «Динамо» (Ленинград) — 0;0.

ЯНА БИР ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ МАСТЕРИ

Тошкентлик велосипедчилар кейинги мусобақаларда каттакатта муваффақиятларга эришмоқдалар. Ю. Поминов мамлакат терма командаси составида Мехикода ўтказилаётган «олимпиада ҳафтаси» мусобақаларига жўнаб кетди. Яна бир ҳамшаҳаримиз М. Колюшов энг кучли совет велосипедчилари сафидан ўрин олди. У куни кеча Ереванда ўтказилган мусобақаларда 1000 метрга бўлган пойгада 1 минут 04,8 секунд натижа кўрсатиб ғолиб келди ва 11 йилдан бери сақланиб келинаётган В. Бахвалов рекордини янгилади. Шу куни энг яхши натижа кўрсатган тўрт пойгачи — жаҳон чемпиони О. Пчаҳадзе, Л. Вуколов, С. Терешченко ва М. Колюшевга хизмат кўрсатган спорт мастери унвони берилди. Мусобақада яна икки спортчимиз А. Колюшев ва А. Черноглазовлар ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

«СОКОЛ» ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати тугади. Турнир жадвали тўлдирилди. Собиқ пахтакорчи В. Виткалов шогирдлари бу йил ҳам Ўзбекистон чемпиони деган фахрли номни ҳеч кимга бермадилар. Команда аъзолари Орешкин, Ёқубов, Бессмертний, Пивоваров, Тургунов, Казаков, Михайлов, Новиков, Загородюк, Қудратов ва бошқалар мавсумни бир текисда ўтказдилар. Чемпион 35 та очко тўплади. Иккинчи ўринни Димитров номли колхоз командаси эгаллади. Бу колхоз футболчиларининг қатта ютуги бўлиб, командага «Пахтакор»нинг собиқ ўйинчиси В. Орлов тренерлик қиляпти.

«Сокол» Ўзбекистон чемпионатида қаторасига олти йилдан бери чемпион бўлиб келяпти.

НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ

Олмаотада енгил атлетика бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари тугади. Бунда ҳамшаҳарларимиз ҳам қатнашдилар, Яқиндагина Тошкентда республика рекордини ўрнатган С. Арзуманова 200 метрга югуришда 24,6 секунд натижа кўрсатиб спорт мастери нормативини бажарди. О. Левоненко, Г. Скалозубова, З. Борисова, Р. Бабичлар ҳам шахсий қисобда яхши натижага эришдилар.

ЭЪЛОНЛАР • ТОМОШАЛАР • РЕКЛАМАЛАР

РАДИО

13 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

8.15 — Концерт (ўзб.). 6.45 — Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус.). 8.25 — Концерт (ўзб.).

9.15 — «Совет Ўзбекистони». 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Мусикали танаффус (ўзб.). 10.10 — Концерт (рус.). 10.30 — Қўшиқлар (ўзб.). 11.10 — «В. И. Ленин миллий масала тўғрисида» (ўзб.). 11.25 — Концерт (ўзб.). 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.). 13.40 — Енгил оркестр куйлари (рус.). 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 — Румиль Вильданов симфонияси (рус.). 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси (ўзб.). 18.10 — Концерт (рус.). 18.30 — Ўзбек халқ куйлари. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — Пахта теримидаги шаҳарликлар учун (рус.). 20.45 — «КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари — амалга» (ўзб.), 21.20 — Одоб ва тарбия темасида. 21.30 — «Ҳожимурот». Радиопостановка (ўзб.). 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари (ўзб., рус.). 23.20 — «Алла» қўшиқлари (ўзб.).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Звездочка** телекурсати. 19.00 — СССР халқ артисти **В. Меркурьев** («Совет киноси усталари» циклидан). 20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Сиҳат-саломатлик** (илмий-оммабоп эшиттириш). 21.30 — **Тезу тоза терайлик** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.50 — Концерт (халқ талантлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Адабий топишмоқ** (мактаб ўқувчилари учун). 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Кишидан соя узоқлашди**, «Большевик» совхозида (телефильмлар). 20.05 — **Ернинг биринчи йўлдошидан Ойга томон учишгача.**

Рус тилида: 20.25 — С. Рахманинов. **Хасис рицарь** (опера). 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Антарктида қонуни** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/X **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/X **Сўнгги нусхалар**, 14/X да **Қонли сароб.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Грузин цирки артистларининг гастроли.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

14, 15, октябрда

«Динамо» (Киев) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 яримда бошланади.

14/X да дублёр составлар, 15/X да асосий составлар ўйнайди.

«МЕХАНИЗАЦИЯ ХЛОПКОВОДСТВА»

(рус тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 3 сўм 60 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг пахтачиликни комплекс механизациялайдиган янги техника яратиш соҳасидаги ишлари, техникадан фойдаланиш, пахтакор хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг экономикасига доир масалалар, илғор механизаторларнинг иш тажрибалари ёритилади.

«ХЛОПКОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўплам тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари ва конструкторлик бюроларининг пахта ва луб саноатида янги техника ва илғор технология яратиш, ундаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги иш натижаларини, шунингдек ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ёритади.

«ШЁЛК»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий тадқиқот ташкилотларининг тутчилик, ипак қурти биологияси, селекцияси ва қурт боқиш, пилла ғайёрлаш ҳамда уни дастлабки ишлаш, пилла тортиш соҳасидаги иш натижалари ва фаолиятларини координациялаш масалалари, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибалари ёритилади.

«ЯНГИ ТЕХНИКА» БЮЛЛЕТЕНИ

(ўзбек тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 3 сўм 60 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯСИ БЮЛЛЕТЕНЬ (ТЎПЛАМ)ЛАРИГА

1966 ЙИЛ УЧУН ЁЗИЛИНГ

Бюллетень илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ишларининг натижаларини, саноатнинг барча соҳаларида, транспорт, алоқа, қурилиш ва пахтачиликни механизациялашда Ватанимиз ҳамда чет эл фани ва техникаси эришган ютуқларни, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ёритади.

Илмий-техника информацияси бюллетенлари ва тўпламлари саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш новаторлари, илмий тадқиқот муассасалари ва лойиҳалаш-конструкторлик бюроларининг ходимлари, техникум ва олий ўқув юртларининг студентлари ва ўқувчилари ҳамда партия ва совет активи оммасига мўлжалланган.

Бюллетенларга «Союзпечать»нинг барча бўлимларида ёзилиш мумкин.

Газета ва журналнинг 1966 йилги республика каталогида илмий-техника информацияси бюллетенлари ва тўпламлари қуйидаги индекслар билан мўлжаллаштирилган: «Механизация хлопководства» — 75214, «Хлопковая промышленность» — 75215, «Шёлк» — 75216, «Янги техника» — 75217. Обунани расмийлаштираётганда мана шу индекслардан тегишлисини кўрсатинг.

Обунани қуйидаги адрес бўйича расмийлаштириш мумкин: ш. Тошкент, А. Толстой кўчаси, 8, «Союзпечать»нинг шаҳар бўлими. Давлат банкининг шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами № 44221.

Ўзбекистон ССР Илмий-техника информацияси ва пропагандаси институти.

ш. Тошкент-18, Ленин кўчаси уй № 17. Тел. 32608, 34520, 29284.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 240. ИНДЕКС 64543. Р. 11687.